

## ҚҰХИТАНГ ТОҒИДА УЧРОВЧИ LYMNAEIDAE Rafinesque, 1815 оиласи МАНСУБ ЧУЧУК СУВ МОЛЛЮСКАЛарНИНГ ТУР ТАРКИБИ

**Жүраева Самия Ҳасановна**

Термиз Давлат Университети Үқитуучиси

**Абдужалирова Мафтуна Исакжоновна**

Давлат Университети Үқитуучиси

---

### A R T I C L E I N F O.

**Keywords:** Kokhtang mountain system, genus *Lymnaea* Lamarck, 1799., *Lymnaea (L.)stagnalis* Galba Schranck", Telmatofil, Phytorefil, Mechilisoy conservation measures.

### Abstract

Species composition, ecology and distribution of freshwater molluscs belonging to the family LYMNAEIDAE Rafinesque, 1815 found in Mako kohhitang, measures related to damage protection in society were presented.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Lymnaeidae оиласига ягона авлод *Lymnaea* мансуб бўлиб, унинг таркиби 8 та кенжা авлодлардан ташкил топган ва ҳозирги кунда, Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалган 34 тур маълум.

*Lymnaea* Lamarck, 1799 авлоди

*Lymnaea* (s.str).кенжা авлоди

**1. *Lymnaea (L.)stagnalis* Linnaeus, 1758. (3.3-расм. А,Б.)**

**Материал.** 50 нусхада. Тадқиқот худудининг 15 дан ортиқ жойларидағи ариқ сувларидан йиғилган.

Чиганоғи баланд конуссимон, ўрамлар сони 6,5-7 та бўлиб, охиргиси кучли бўртиб чиққан. Чиганоқ деворлари юпқа, мўрт, баъзида бир оз қалинлашган бўлади.



А

Б

**1-расм. *Lymnaea stagnalis* (Можурум сой). А-чиганоқнинг олд томонидан, Б-орқа томонидан кўриниши**

Чиганоқ ранги оч-шохсимон, шохсимон ёки жигарранг-қүнғир, баъзида бинафшасимон оқ ёки ўши билан қорамтири тусга киради.

Чиганоқ юзаси бир оз ялтироқ. Скульптураси билинар-билинмас чизиқлардан ташкил топган, охирги ўрамида болға билан ургандай излар мавжуд. Чиганоқ гумбази ўрамлари бир текисда яссиланган, унинг юқориги қисми кескин ингичкалашган. Ўрамларни ажратиб турадиган чок унча чуқур эмас, бир оз қийшиқ. Чиганогининг оғзи катта, тухумсимон тузилишга эга, унинг баландлиги чиганоқ баландлиги билан тенг. Чиганоқ оғиз четлари бир оз ўткирлашган. Чиганоқ ўлчамлари: баландлиги 25-27 мм, катта диаметри 14-16 мм. Чиганоқ оғиз баландлиги 12 мм, кенглиги 14 мм.

**Экологияси.** Дарё, кўл ва сув омборларининг секин оқар қисмида, кўпинча қирғоқларнинг сувўтлар билан қалин ўсан қисмида яшайди.

**Тарқалиши.** Европа, шимолий Осиё ва Марказий Осиё. Кўҳитанг тоғ сувларидан илк бор топилган. [4]

*Galba*Schanck, 1803кенжавлоди.

#### 5. *Lymnaea (G.) thiessea* (Clessin, 1979). (2-расм)

**Материал.** 13 нусхада. Вандоб қишлоғи, Губдин тоғ булоғидан йифилган.

Конхологик белгилари адабиёт [1, 6] маълумотларига тўлиқ мос келади. Биз томонимиздан ўрганилган материал чиганоқ ўлчамлари билан фарқланади.

Чиганоқ ўлчамлари: баландлиги 6,1-6,5 мм, катта диаметри 3,0-3,5 мм. Чиганоқ оғиз баландлиги 2,7 мм, кенглиги 3,0 мм.

**Экологияси.** Тез курувчи ва кичик чашма сувларida яшайди.

**Тарқалиши.**Олд ва Марказий Осиё тури. Марказий Осиёда. [2, 3] кенг тарқалган. Биз томонимиздан илк бор тадқиқот худудида қайд этилди.



2-расм.*Lymnaea (G.) thiessea* тури

#### 6. *Lymnaea truncatula*Muller, 1774 (3-расм)

**Материал.** 28 нусхада. Хатак қишлоғи атрофидаги вақтинчалик оқар сувлар, Сойнинг ўнг ва чап қирғоқларидаги вақтинчалик (баҳорги) булоқлар, Оқтош қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтадиган вақтинчалик сувлардан йифилган.

Чиганоги кичкина, “башиясимон”, баланд конуссимон. Ранги, саргич, оч шохранг, шохранг, жигарсимон шох ранг ёки жигарсимон-қүнғир. Чиганоқ деворлари ўртача қалинликда, баъзида юпқа. Чиганоқ юзи ўта ялтироқ, силлиқ. Скульптураси ингичка чизиқлардан ташкил топган. Чиганоқ ўрамлари 6 та. Чиганоқ “Ўрамлари” баланд, чиганоқнинг умумий баландлигини 0,6-0,7 қисмига тенг. Охирги ўрами катта (чиганоқ баландлигини 0,7 % ташкил қиласди) ва кенг, кучли бўртиб чиқсан. Чиганоқ ўрамларини ажратиб турадиган чоки чуқур. Чиганоқ оғзи овал тухумсимон. Парието-палаталь қисми ўтмас, қайрилган колумелляр қисми чиганоқ киндингини

тўлиқ ёпмайди, натижада киндик тор тирқишимон қўринишга эга бўлади. Чиганоқнинг морфологик белгилари ўзгарувчан.

Чиганоқ ўлчамлари: баландлиги 7,5-12 мм, катта диаметри 3,2-3,5 мм. Чиганоқ оғзининг баландлиги 4,5 мм, кенглиги 3,6 мм.

**Экологияси.** Тельматофил. Асосан, қуриб қолувчи ва кичик чашмалар сувининг четида ва лойда яшайди.

**Тарқалиши.** Палеарктик тур бўлиб, Европа, Кавказ, Фарбий Сибирь, Шарқий Сибирнинг жануби ва Марказий Осиё [2]. Илк бор Кўхитанг тоғ тизмаси ҳудудида қайд этилди.



3.-расм. *Lymnaea truncatula* (Хатак қишлоғи).

**А-чиғаноқнинг олд томонидан, Б-орқа томонидан қўриниши**

#### 7. *Lymnaea(R) auricularia*Linnaeus, 1758 (4-расм)


**Материал.** 35 нусхада. Сойи ҳавзасининг ўрта қисми, Хатак қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтадиган сой сувлари, Зарабулок ва Зарабоғ қишлоғидаги кичик жилғалардан йифилган.

Чиганоқ оғиз шакли, инсон қулоқ супраси тузилишига ўхшайди. Чиганоқ ўрамлари 3,5-4 та, биринчи учта ўрами қисқа гумбаз ҳосил қиласи, натижада унинг учи учқур бўлиб, бир оз букилган шаклга эга. Охирги ўрам тез катталашиб, деярли бутун чиганоқ катталигига тенглашган. Чиганоқ ўрамини ажратиб турадиган чок чуқур, бир оз қийшиқ.

Чиганоқ ранги оч-сарғиш, сарғиш, сарғич-шоҳсимон, шоҳсимон ва хира-шоҳсимон тусга эга. Чиганоғи юпқа деворли, мўрт, хира шаффоғ. Чиганоқ юзаси ялтироқ. Скульптураси ингичка чизиқлардан ташкил топган. Чиганоқ оғзи жуда катта, кенг овалсимон. Киндиги колумелляр кирра билан тўлиқ ёки деярли тўлиқ ёпилган.

Чиганоқ ўлчамлари: баландлиги 2,5-3,1 мм, катта диаметри 22-25 мм. Чиганоқ оғизининг баландлиги 29 мм, кенглиги 21 мм.

**Экологияси.** Фитореофил. Секин ва тез оқар турли сув ҳавзалари қирғоғида, сувўтлар орасида яшайди.



4-расм. *Lymnaea auricula*. А-чиғаноқнинг олд томонидан, Б-орқа томонидан қўриниши

**Тарқалиши.** Палеарктиканың көнг тарқалған тури. Европа, Фарбий Үрта Шарқ, Сибирь ва Марказий Осиё. [2].

### 8. *Lymnaea oblonga* Puton, 1847.(5-расм.)

**Материал.** 44 нұсқада. Мечилисой ва Кампиртепасойи оқар сувлари, Хұжанқо қишлоғи худудларидаги чашма ва булоқтардан йиғилған.



5-расм.*Lymnaea oblonga* (Мечилисойдаги оқар сувлар)

Чиганоғи баланд минорасимон, жигар рангли, үрамлар сони 5 та, секин ортиб борувчи, кучли қабариқлашған, зинапоясимон. Охирги үрамининг баландлығи чиганоқ умумий баландлыгининг 0,70 қисмидан кичикроқ. Чиганоқ оғзи чиганоқ баландлығи бүйіча кучли құзилған овалсимон. Оғзининг юқори қисми үткір бурчак ҳосил қилиб туташған. Киндиғи тор тиркишли.

Чиганоқ үлчамлари: баландлығи 6,5-7,1 мм, катта диаметри 3,5-3,8 мм. Чиганоқ оғиз баландлығи 2,9 мм, кенглиғи 2,7 мм.

**Экологияси.** Булоқ ва чашма тошлари остида ҳамда устида яшайды.

**Тарқалиши.** Палеарктика бүйілаб көнг тарқалған[4]. Илк бор биз томонимиздан тадқиқот ҳудудида қайд этилди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Жадин В.И. Методы гидробиологического исследования. -М.: Высшая школа, 1960. -191 с.
2. Иззатуллаев З.И., Круглов Н.Д., Старобогатов Я.И. Новые для науки и фауны Средней Азии виды прудовиков подрода *Galba* рода *Lymnaea* (Gastropoda Pulmonata). Секция *Montigalba sect.* п.г// Докл. АН ТаджССР.-Душанбе.1983.-Т. 26 -№5. - С.321-324.
3. Иззатуллаев З.И., Круглов Н.Д., Старобогатов Я.И. Новые для науки и новые для Средней Азии виды прудовиков подрода *Calba* рода *Lymnaea* (Gastropoda Pulmonata) II. Секция *Galba s. str.* // 1983. -Т. 26. -№6. - С.395-398
4. Иззатуллаев З.И., Круглов Н.Д., Старобогатов Я.И. Новые и малоизвестные виды прудовиков подрода *Radix* рода *Lymnaea* фауны СССР из Средней Азии (Gastropoda Pulmonata) // Изв.АН ТаджССР, отд. биол. наук. –Душанбе,1983.- №4 (93). - С.53-57.
5. Каримкулов А.Т., Иззатуллаев З.И. Фауна, экология и зоогеография брюхоногих моллюсков Мальгузара // Биология, экология ва тупроқшуносликнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани. - Тошкент, 2008. - Б. 66-67.
6. Старобогатов Я.И. Фауна озер как источник сведений об их истории // Общие закономерности возникновения и развития озер. - Л.: Наука, 1986.-254